• *Қонун ва ижро*

# КИМ КИМНИ ЧАЛҒИТМОҚДА?

Республикамизда "Давлат тили тўғрисида" Қонун қабул қилинганига бу йил беш йил тўлади. Давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу Қонунни халқимиз орзиқиш билан қарши олган ва неча асрлик орзу-армонларнинг хайрли интиҳосидан юраклар ифтихорга тўлган эди.

Маълумки, давлатчиликда ҳар қандай қонуннинг кучи ва оммага таъсири амалий ҳаракатлар муносабатида ривожланиб боради ва мустаҳкамланади. "Давлат тили тўғрисида"ги Қонуннинг амалда тўла бажарилиши учун ҳар бир вилоят, туман, шаҳар ва қишлоқларда жиддий тадбирлар ишлаб чиқилган ва шу асосда иш олиб борилмоқда. Хўш, бизнинг пойтахт вилоятимизда бу борадаги аҳвол қандай? Яқинда вилоят прокуратураси вилоят ҳудудидаги корхона, муассаса ва ташкилотларда қонун ижроси қандай бажарилаётганини ўрганиб чиқди.

Шу нарса маълум бўлдики, гарчи қатор ташкилотларда давлат тилига эътиборни кучайтириш чоралари кўрилаётган бўлса-да, баъзи жойларда қонун талабларига деярли риоя этилмаяпти. Чиноз туманининг марказий шифохонасида, Чиноз қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатида ушбу қонуннинг 3, 7, 8, 16, 22 моддалари қўпол равишда бузилаётганлиги аниқланди. Бу ерда аризалар, шахсий варақалар, маълумотномалар ва турли шартномалар рус тилида ёзилиб, комбинат маъмурияти бундай ҳолат билан ханузгача муроса қилиб келмоқда. Жумладан, ишларга мутасадди бўлган мутахассислар билан ишлаш бўлими бошлиғи О.Кандир давлат тилини мутлақо билмайди. Устига-устак ўзи кўриб чиқиши лозим бўлган ариза ва бошқа ҳужжатларнинг рус тилида бўлишини маъқул кўради. Унинг хоҳишига кўра Зокиров, Тожиқулов, Абдиев, Умаров ва бошқалар ўз аризаларини рус тилида ёзиб беришга мажбур бўлишган. Бунга ўхшаш ҳолатни тумандаги бошқа ташкилот ва корхоналарда ҳам кузатиш мумкин.

Пискент туманидаги халқ таълими, соғлиқни сақлаш, нотариал, алоқа бўлимларида ва туман фуқаролик ҳолатини қайд этиш идорасида текшириш ўтказилганида бир қанча камчиликлар борлиги аниқланди, уларда ўтказилаётган мажлислар ўзбек тилида бўлса-да, лекин бирортасида уларнинг таржимаси таъминланмаган, фуқаролик ҳолатларини қайд этиш бўлимида ва марказий шифохонада баъзи қоғозларнинг матнлари рус тилида ёзилиб, ҳатто, беморларнинг касаллик тарихлари ҳам рус тилида тўлдириб келинган.

Пойтахт шаҳримизнинг шундоққина биқинида жойлашган Янгийўл туманида ҳам қатор қонун бузилишларига йўл қўйилмоқда. Янгийўл автомобил йўллари бошқармасида, 8-, 570-қурилиш ташкилотларида, Ўзбекистон машиналарни синаш идорасида, Янгийўл консерва ишлаб чиқариш корхонасида ва ҳатто, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлар академияси бўлимида иш юритишлар рус тилида олиб борилаётганини қандай изоҳлаш мумкин?! Давлат тили тўғрисидаги қонунда белгиланишича, ҳозирда ўзбек тилини билмайдиган ҳар бир ишловчига ўзбек тили давлат томонидан бепул ўргатилиши лозим, аммо юқорида қайд этилган ташкилот ва корхоналарда бу борада ҳеч қандай иш қилинмаётир. Зангиота туманидаги алоқа бўлимида қонун ижроси, айниқса, унинг 22-моддаси талаблари бажарилмаётгани, расмий мухрлар, эълонлар, нарх кўрсаткичлари ва бошқа маълумотларгача рус тилида ёзиб келинаётгани кишида ташвиш уйғотади. Алоқа бўлими раҳбарлари қонунни писанд қилишмаяптими ёки уни бажаришга қурбилари етмаяптими? Акс ҳолда 1989 йилдаёқ кучга кирган қонуннинг 22-моддасига биноан ўзларига тегишли бинонинг тепасидаги "Почта" деб ёзилган лавҳани аллақачон ўзгартирган бўлардилар.

Бекобод туманидаги пахта тозалаш заводи ва алоқа бўлимлари текширилганда ҳам шунга ўхшаш қонун бузилишларига йўл қўйилаётгани аниқланди. Пахта тозалаш заводи маъмуриятининг айби билан завод ички фаолиятига тааллуқли буйруқлар кадрлар бўлими томонидан қонунга хилоф равишда чиқарилган. Алоқа бўлимининг кадрлар бўлинмаси ва туман марказий касалхонасида ҳам шунга ўхшаш салбий ҳолатлар мавжуд.

Тошкент вилоятида жойлашган Олмалиқ, Янгийўл, Бекобод, Ангрен, Оҳангарон ва Чирчиқ шаҳарларида қонун талаблари бузилишига оид кўпдан-кўп фактларга дуч келиш мумкин. Жумладан, Чирчиқ шаҳар марказий шифохонасида, шаҳар суд идорасида ҳозирги кунгача қонуннинг 3,5,11,22-моддалари қўпол равишда бузиб келинмоқда. Шаҳар халқ таълими бўлимида 16-модда талабларига риоя қилинмаётир, шаҳар нотариал идорасида эса ушбу қонуннинг 11-моддаси мутлақо бажарилмаяпти. Шундай хатолар Олмалиқ шаҳар савдо, умумий овқатланиш, соғлиқни сақлаш, алоқа бўлимларида ва Оҳангарон шаҳрида қатор ташкилот ва корхоналарда ҳам аниқланди.

Ангрен шаҳар марказий касалхонасида ҳужжатлар шу кунгача ҳам рус тилида ёзиб келинмоқда. Хўш, бундай масъулиятсизлик билан ким-кимни чалғитмоқда? Касалхона раҳбарлари бу саволга жавоб беришлари керак. 1993 йилнинг 1 сентябридан бошлаб иш юритиш давлат тилида олиб борилиши ҳақида буйруқлар бўлишига қарамасдан, техникумларда, идораларда ёзишмалар, бухгалтерия ҳисоботлари рус тилида олиб борилмоқда, бундай аҳволга, ҳатто шаҳар халқ таълими бўлими ва ижтимоий таъминот бўлимларида ҳам йўл қўйилаётганлигини қандай изоҳласа бўлади?! Шаҳардаги давлат нотариал бўлимида қонуннинг 11-моддасига хилоф равишда ишлар рус тилида юритилмоқда, 1993 йил давомида амалга оширилган 11990 нотариал ҳаракатдан фақат 5 фоизигина давлат тилида ҳужжатлаштирилган. Шаҳардаги картон комбинатида, кўмир конида, "Ангренкўмиртехтранс" бирлашмасининг барча автомобил ва қурилиш корхоналарида "Давлат тили тўғрисида"ги қонун умуман бажарилмаётгани ғоят ачинарлидир ва буни очиқ-ойдин айтишга мажбурмиз.

Йўл қўйилаётган хато ва нуқсонларни хаспўшлашга ёки "ҳали вақт бор" қабилида лоқайдлик қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Афсуски, бундай бепарволик вилоятда энг йирик ҳисобланган Ғазалкент шаҳрида ҳам ҳукм сурмоқда. Бу ердаги консерва заводида ишловчиларнинг 739 нафари рус забон бўлишига қарамасдан, маъмурият томонидан давлат тилини ўргатиш бўйича ўқишлар ташкил этилмаган, ишхонада таржимондан фойдаланилмайди. Бу лоқайдликнинг бошида турганлар ўзларининг шундай ҳатти-ҳаракатлари билан қонуннинг 27-28 моддаларини бузганликларини ва бунинг учун жавоб беражакларини билишармикин?! Буни қарангки, заводда ҳисоб-китоб ишлари ҳанузгача рус тилида олиб борилар экан. Мутахассислар билан ишлаш бўлимида ўзбек тилини билмайдиган ходим ишлаётганлиги сабабли корхонада ишлайдиган ўзбек миллатига мансуб ишчи-хизматчилар ҳам рус тилида ариза ёзишга мажбур бўлаётганлигига нима дейсиз?! Шунга ўхшаш ҳолатларни Ғазалкент сут заводида ҳам учратиш мумкин. Бу ерда давлат тили ҳақидаги қонуннинг кўплаб талаблари бузиб келинмоқда, ишлар фақат рус тилида юргизилиб келинаётир, давлат тилини ўргатиш курслари ташкил этилмаган. Бундай қонунбузарликлар банк, автосарой, алоқа хизмати, пойафзал фабрикаси ишида ҳам мавжуддир. Бунга эса биринчи галда жойлардаги раҳбар ходимлар айбдордирлар.

Тошкент давлат Аграр дорилфунунинида, вилоят марказий шифохонасида, вилоят давлат нотариал идораларида текшириш ўтказганимизда, ҳеч бўлмаса, мана шу мартабали даргоҳларда қонунга амал қилинаётгандир, деб ўйлаган эдик. Афсус... Ушбу даргоҳларда қонуннинг 3, 11, 22-моддалари талабларига амал қилинмаётганидан ғоят ажабландик. Ваҳоланки, илм даргоҳлари ва вилоят ташкилотлари раҳбарлари қонундан тўла хабардор бўлишлари ва уни амалга оширишда ташаббускор бўлишлари лозим эди-ку?

Вилоятдаги Бўка, Паркент, Оққўрғон туманларида ўтказилган текширишларда ҳам турли хато ва камчиликлар аниқланди. Йўл қўйилаётган қонунбузарликлар юзасидан жойлардаги прокурорларимиз томонидан 11 та амрномалар, 36 та расмий огоҳлантиришлар ва ҳокимлар номига 17 та тақдимномалар юборилди.

Вилоятимизда юқоридаги каби нуқсонларга йўл қўйиб борилаётганлигини ҳеч қандай важ билан оқлаб бўлмайди. Модомики, неча замонлардан бери ота-боболаримиз орзу қилиб келган тил эркинлигига эришган ва ўзбек тилининг давлат тили эканлиги ҳақидаги муҳим қонунга эга бўлган эканмиз, тилимиз ҳақида қайғуриш, қонунни мустаҳкамлаш ва уни амалда бажариш ҳар биримиз учун муқаддас бурч бўлмоғи лозим. Шуни ишонч билан айтаманки, бу вазифани турли йўллар билан хаспўшлашга уринганлар қонун олдида, албатта, жавоб берадилар.

**А.МАННОНОВ,**
**Тошкент вилояти прокурори.**

# "ХИЁБОН" ФИРМАСИ ЧИННИЛАРИ





• **Суратларда: фирма чиннисозлари.**

Сураткаш **Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА).**

Тошкент туманининг Ғиёс Умаров номидаги жамоа хўжалигида чинни ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқчи бўлганида, бу режанинг амалга ошишига ишонмаганлар кўп эди. Лекин ҳисоб-китоблар режани рўёбга чиқариш мумкинлигини кўрсатди. Кейинчалик бу амалда исбот ҳам бўлди.

Хўжаликда ташкил этилган "Хиёбон" кичик корхонасининг директори Ҳожиакбар Нормуҳаммедов ва унинг ўринбосари Рашид Аҳмедов билан янги қурилган чинни заводи цехларини кўздан кечириб юрибмиз. Завод ҳозирча унчалик катта эмас...

— Ҳамма ишни ўзимиз уддалаймиз, деб ўйлаганимиз йўқ, албатта,— дейди директор.— Тошкентдаги "Ёрдам" илмий-техника марказидан ёрдам сўрадик. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари эвазига мавоза асосида машина-ускуналарни сотиб олдик, технологияни ўргандик, Украинадан чинни ясашга яроқли гилмоя келтиришни йўлга қўйдик. Ангрен гилмояси чинни идиш ясашга яроқли эмас. Чинни идиш ясаш учун гилмоядан ташқари алоҳида гил, дала шпати, кварц қуми ва гул солиш учун пигментлар талаб қилинади. Ҳаммасини топдик, ускуналарни сотиб олдик, ўзлаштирдик.

— Ходимларни тайёрлаш муаммоси қандай ҳал қилинди?

— Буни мана бу йигитдан сўрай қолинг.

Анвар Абдумуталовнинг қўлидаги хамирга ўхшаш зўлдир кулол дастгоҳида айланиб, пиёла тусига кирар эди.

— Илгари Тошкентда ишлардим, ҳар куни шаҳарга қатнашимга тўғри келарди,— дейди Анвар.— Бир ўзим эмас, қишлоғимиздан ўн нафар йигит-қиз шаҳарда ишларди. Чунки, хўжалигимизда ишчи кучи кўп эди. Менинг касбим эса, қизиқарли, эътиборли. Тошкент заводидаги ҳамқишлоқларимизнинг ҳаммаси "Хиёбон"га ўтди. Уйимизга яқин, иш ҳақи ҳам чакки эмас. Ҳар сменада мингтадан пиёла ясайман.

— Мен ҳам Тошкент чинни заводида ишлардим,— деб суҳбатга қўшилди Моҳира Қаюмова, Анвар ясаган пиёлаларнинг четини тозалаб, силлиқлаб, пишириш учун тайёрлар экан.— Мен ҳам, дугоналарим ҳам бу ишнинг ҳавосини олганмиз. Биз тайёрлаган чинни идишларнинг сифати шаҳардаги завод маҳсулотидан устун турса турадики, асло паст эмас.

Ҳақиқатан ҳам, бу ерда ясалган пиёлаларнинг бежиримлигига қойил қоласиз аммо, дўконларда қийшиқ пиёлалар кўп учрайди. Бунинг сири нимада? Ҳамроҳларим тушунтириб беришди:

— Гап шундаки, Тошкент чинни заводида туннел печлардан фойдаланилади, унинг ичидаги маҳсулот пиширилаётган пайтда ҳам ҳаракатда бўлади. Натижада идишлар қийшиқ чиқиши мумкин. Биз эса, печга қўйиладиган идишларни махсус қолипга соламиз. Қолипларни ҳам ўзимиз ясаганмиз. Корхонамиздаги печ маҳкам ўрнатилган, қимирламайди ҳам, айланмайди ҳам. Тошкент заводида кўп иш жараёни автоматлаштирилган, биз эса ҳамма ишни асосан қўлда бажарамиз... Лекин бу — ўзини оқлайдиган меҳнат. Энг муҳими — маҳсулотимиз сифатли, яроқсизи кам. Хомашё ҳам исроф бўлмайди. Хомашё қанчалик қиммат тушаётганини айтиб ўтирмасак ҳам бўлади...

— Корхонани барпо этишга катта сармоя сарфланган бўлса керак, харажатлар қачон қопланади?

— Икки-уч ойдан кейин корхонамиз фойда келтира бошлайди, деб ўйлайман. Маҳсулотимизни ҳозирча жамоа хўжалигимиздаги ва қўшни хўжаликлардаги дўконларга чиқаряпмиз. Олинадиган фойдани ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфлаймиз.

...Рўзғор учун зарур чинни буюмлар ясаладиган беш тонна аралашма сиғадиган ускуналар айланиб турибди. Ҳамма берилиб ишламоқда. Тез орада Тошкент чинни заводига муносиб рақобатчи пайдо бўлса ажаб эмас.

**П. Нишонов, ЎзА мухбири.**

# ФАХРИЙЛАР ИЗЗАТДА

Вилоят ички ишлар бошқармасида Ғалабанинг 49 йиллиги кенг нишонланди. Байрам арафасида бошқармага ички ишлар идораларида узоқ йиллар меҳнат қилган фашизмга қарши уруш қатнашчилари таклиф этилдилар. Шуни таъкидлаб ўтмоқ лозимки фахрийлар фақат байрамлардагина эмас, бошқа пайтлари ҳам тез-тез бошқармада бўлиб жиноятчиликнинг барча кўринишларига қарши курашда ўз маслаҳатларини бериб туришибди. Айниқса, бу б рада заҳирадаги милиция полковниги М. С. Иванов бошчилик қилаётган фахрийлар жамоатчилик кенгаши ҳайъатининг ташкилотчилик ишлари диққатга сазовордир.

Бўлиб ўтган тантаналарда 1941—1945 йиллардаги уруш қатнашчилари билан бир қаторда Афғон тупроғида байналмилал бурчини ўтаган йигитлар ҳам иштирок этишди. Бу йигитлар жисмоний тайёргарликларининг юқори даражалиги билан ўз ҳамкасбларига ҳар томонлама ўрнакдирлар. Жасоратли ҳаётнинг оғир синовларидан ўтган йигитлар бундан буён ҳам жиноятчиликка қарши курашда доимо олдинги сафларда бўлишга ваъда бердилар.

Шу куни уруш қатнашчилари ва байналмилалчи жангчиларга қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

**Р. ЁДГОРОВ.**

• *Ўқитувчилар ҳақида ҳикоялар*

# ҲАММАГА ҲАМНАФАС

УСТОЗ муаллимлар даврасида кўп бор суҳбатда бўлганмиз. Улар "Ҳақиқий ўқитувчининг яшашдан мақсади — бор илмини шогирдларига ўргатиб, издошлари камолини кўришдир, муаллим етук ўқувчилари, эришган ютуқлари билангина фахрлана олади, шунинг ўзи кифоя", дейишади.

Ёш авлодга билим ва тарбия берувчилар орасида бундай мураббийлар кўп. Шулардан бири Юнусобод туманидаги 274-мактабда ўттиз беш йилдан бери биология фанидан дарс бериб келаётган ўқитувчи Ориф Акбаровдир. Бу оддий, камтар инсоннинг болалиги дастлаб дала юмушлари билан боғланди. Кейинчалик отаси Миракбар ва онаси Нусрат бибининг ушалмаган орзу ва умидларини рўёбга чиқарди. Бир фарзанди урушда ҳалок бўлган, яна бир ўғил ногирон бўлиб қайтган ота-она Орифнинг илмли бўлиб етишувини кўнгилларига туккан эдилар.

Худди шундай бўлди. 1952 йили ўрта мактабни тугатган йигитча Тошкент Давлат дорилфунунининг биология тупроқшунослик факультетига ўқишга кирди. Олийгоҳни аъло баҳолар билан тугатгач, ёш мутахассисни Янгийўл туманидаги мактаблардан бирига йўллашди. Уерда бир неча йиллар ишлаб, малака оширди. Кейинчалик ўзи ўқиган мактабга таклиф қилинди. Қаерда ишламасин садоқати, болаларга меҳрибонлиги билан ҳурмат қозонди, ўз фаолияти давомида халқ таълими аълочиси, олий тоифадаги ўқитувчи сифатида пухта илм эгаси эканлигини кўрсата олди. Бу ҳақда педагогика фанлари кандидати Олим Носиров шундай дейди:

— Орифжон ниҳоятда камтар. У одамгарчиликни ҳар нарсадан устун қўяди. Маҳалла аҳлига ҳамма вақт ҳамнафас, хизматга камарбаста. Бирор тўй-ҳашам, маърака унинг маслаҳатисиз ўтмайди... Биз уни республикада таниқли устоз сифатида ҳам қадрлаймиз. Ҳар йили Низомий номли педагогика институти талабаларини амалий машғулотларга шу мактабга олиб борамиз, Орифжон бизга ва талабаларга тинмай ёрдам ҳамда маслаҳатлар беради. Ўзи ҳам талабчан, фанини ниҳоятда пухта эгаллаган...

Бу гапларда жон бор. Ориф Акбаров ҳар бир дарсида қўшимча адабиётлар, услубий қўлланмалар, кўргазмали қуроллардан фойдаланади. Ўқувчилар унинг сабоқларини берилиб тинглайдилар. Ҳар йили иссиқхонада гулкўчатлар етиштириб, мактаб гулзорига экилади. У ерга кирар экансиз, анвойи гуллар, мевали дарахтлар кўзингизни қувнатади. Бунда заҳматкаш муаллимнинг хизматлари катта.

Болаларга ана шундай илм бераётган О. Акбаров чинакам маънодаги мураббийдир. У ўзининг фанига қизиқиб, биологияни ва бу соҳага яқин касбни эгаллаган 40 нафардан ортиқ шогирдлари билан фахрланади. Шогирдлар ҳам устозни доимо эъзозлайдилар. Мактаб маъмурияти, хусусан, директор Маннон Ортиқов ҳамиша бу муаллимдаги инсонийлик, меҳнатсеварликни таъкидлаб, бошқаларга ибрат қилиб кўрсатади.

О. Акбаров пиру-бадавлат ота сифатида ҳам ҳурматга лойиқ. У умр йўлдоши билан 4 ўғил ва 5 қизни вояга етказди. Фарзандлар турли касбларни эгаллаб, жамиятда ўзларининг муносиб ўринларини топдилар.

Шу кунларда О. Акбаровнинг ҳамкасблари, фарзандлари, ёру дўстлари унинг 60 йиллик тўйини нишонлаш арафасида елиб-югуришмоқда. Биз ҳам заҳматкаш муаллимни муборак ёши билан чин дилдан қутлаймиз.

**М. ВАЛИЕВА,**
**Д. АҲМАД.**



**Суратда: О. Акбаров ўқувчилар даврасида.**

• *Аҳолини табиий офатдан ҳимоя қилаётганлар*

# ЯЛПИ САФАРБАРЛИК

ВИЛОЯТ ички ишлар бошқармаси. Ҳудуд бўйича бош тезкор штаб ана шу ерда жойлашган. Табиий офатга қарши бу кураш марказига хавфли минтақаларда жанговар иш олиб бораётган штаблар (Ангрен, Оҳангарон, Бўстонлиқ, Паркент) дан туну-кун ахборотлар келиб турибди. Мана қўлимизда ана шундай сўнгги ахборотларнинг бири:

**"ОҲАНГАРОН тумани: — Аввалги кунларда берилган маълумотларга нисбатан ўзгаришлар йўқ. Вазият яхши. Туман бўйича 290 оила -2651 киши кўчирилди".**

**"АНГРЕН шаҳри: — Аввалги маълумотлар бўйича ўзгаришлар йўқ. Шаҳарда вазият яхши. Ангрен шаҳри бўйича жами 108 оила - 702 киши хавфсиз жойларга кўчирилди".**

**"ПАРКЕНТ тумани: — Илгариги маълумотлар бўйича ўзгаришлар йўқ. Туманда вазият яхши. Туман бўйича жами 24 оила — 165 киши кўчирилди."**

**"БЎСТОНЛИҚ тумани: — Илгари хабар қилинган маълумотлар бўйича ўзгаришлар йўқ. Туманда вазият яхши. Туман бўйича жами 184 оила-1006 киши бехатар жойларга кўчирилди".**

**"ТОШКЕНТ вилояти: — жами 606 оила, 4527 киши кўчирилган"...**

Бу қисқа ва анча жўн кўринган ахборотлар замирида катта ҳаёт, неча минглаб меҳнаткаш халқ тақдири ётипти. Табиий офат хавф-хатар солиб турган тоғ минтақаларида бугун ялпи сафарбарлик. Ерли аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилмоқда, уларга ҳамма зарур ёрдам кўрсатилмоқда, не-не машаққат билан топган бойликлари, уй-жойлари милиция томонидан хушёрлик билан қўриқланмоқда. Улар ўртасида инсон ҳаёти ҳамма нарсадан азиз ва мўътабарроқ экани ҳақида кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда, жабрдийда кишилар қалбида эртанги кунга, истиқболга умид ва ишонч уйғонмоқда. Жойларда янги обод ва кўркам қишлоқлар, замонавий лойиҳалар асосида қад кўтарадиган аҳоли қароргоҳлари заминига дастлабки ғиштлар қўйила бошлади.

Ҳа, бу янги қишлоқлар энди хавф-хатарсиз жойларда қад кўтармоқда. Республикамиз Президенти ва ҳукуматимиз халқ осойишталиги, унинг беталофат бахтиёр ҳаёт кечириши, нурли истиқболи ҳақида оталарча ғамхўрлик кўрсатиб келмоқдалар, эл-юрт ташвишида астойдил қайғурмоқдалар. Юртбошимизнинг 9 апрель куни Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқида баён қилинган кечиктириб бўлмас вазифалар ва унинг "Ҳар бир инсон ҳаёти учун жавобгармиз!" деган даъвати фикримизнинг яққол исботидир.

Жигаристонлик 71 ёшдаги отахон Эгамберди Йўлдошев суҳбатда шундай деди:

- Ўғлим, бу Оллоҳнинг иродаси. Тақдирга тан бериш бандаси учун фарз. Биз ҳозир яшаб турган жой хавфли бўлиб қолди, келиб шундай дейишди. Буни ўзимиз ҳам яхши биламиз, Жигаристон бошига тушган қайғуни кўп бор бирга тотганмиз. Энди бу ердан кўчиб кетаяпмиз. Бошқа ердан жой кўрсатишди, катта ёрдам беришди. Мен шу ўринда биз ҳақимизда жон куйдириб қайғураётган Президентимизга яна бир бор катта раҳмат айтмоқчиман.

... Жигаристонда яна кўчки содир бўлди. Ҳайриятки, энди ундан ҳеч ким жабр тортмади, чунки хонадонлар аллақачон бу ердан кўчиб кетишган эди.

Шу ўринда вилоят ИИБ бошлиғининг муовини Б. Ҳакимов Оҳангарон тумани ИИБ бошлиғи Э. Эркаевлар бош-қош бўлган тезкор штабдан берилган ушбу хабар ҳам эътиборга сазовордир:

**"16 апрель куни эрталаб Қорақишлоқ ҳудудида тупроқ кўчкиси оқибатида тўсилиб қолган Гўшсой суви йўлидаги тиклаш ишлари уч соат ичида поёнига етказилди. Табиий ғов бартараф этилди. Сой суви меёрида безарар оқмоқда. Туманда аҳвол яхши, бошқа ўзгаришлар йўқ".**

БЎСТОНЛИҚ тумани ҳудудида — Бурчмулла қишлоғида битта кўчки юз берган. Бу минтақада туман ҳокими бошчилигида штаб ишлаб турипти. Аниқ тадбирлар белгилаб олинган. Ички ишлар идораларидан сафарбар қилинган 195 ходим жойлардаги вазиятни синчковлик билан назорат қилиб турибди. Уларнинг бевосита ёрдамида кўчки хавфи бўлган Хумсон, Ғалвасой, Янгиовул, Қорамозор қишлоқларидан 192 оила — салкам минг киши харвфсиз ерларга, асосан қариндош-уруғлариникига кўчирилди. Бу ишларга 23 та автоулов ажратилди.

Кўчиб кетганларнинг уйлари қўриқланмоқда. Дам олувчиларни вақтинча орқага қайтариш мақсадида 14 та пост ташкил этилган. Сув тошқини ва кўчкилар содир бўлиши кутилаётган жойларга, масалан, Озодбошдаги ДАН постида, Тошкент-Чорвоқ йўлининг Абай, Сойлиқ қишлоғига қираверишида, Оқсоқота кўпригида махсус огоҳлантириш белгилари ўрнатилган.

Чирчиқ дарёсининг чап қирғоғида, Тошкент-Ғазалкент йўлининг 38-километрида тошқин юз берган. 15-20 километр масофада тиклаш ишлари олиб борилмоқда, 5 та самосвал, 2 та бульдозер тинимсиз ишлаб турипти, дарё қирғоғи бетон ва харсанг тошлар билан мустаҳкамланмоқда.

Туман ҳудудида кеча-кундуз назорат қилувчи штаб ишлаб турипти. Ҳозирча табиий офатлар хавфи йўқ. Ҳамма жойда аҳоли милиция ёрдамидан миннатдор.

ПАРКЕНТ туманидаги айрим қишлоқлар шундоққина тоғ ёнбағрига жойлашган. Устига-устак баъзи бир уйлар ер сурилиши, сел келиши оқибатида зарар етиши мумкин бўлган жойларга қурилган. Шу туфайли туман ҳокимлиги бундай жойлардаги аҳоли ҳаётини муҳофаза этиш, уларни бошқа хавф-ха арсиз ерларга кўчириш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқиб, бу борада анчагина хайрли ишларни амалга оширди. Туман ҳокимлиги қошида тузилган комиссия фаол ишлаб турибди.

Республика Ички ишлар вазирлиги вакиллари ва Тошкент вилояти ИИБ ходимлари ҳам туман аҳолисига ўз вақтида ёрдамга етиб келдилар.Кўчки ва сел хавфининг олдини олиш, унинг оқибатларини тугатишда ёрдам кўрсатиш штаби тузилди. Ҳар бир ходим ўз бурчини яхши тушунади, шу туфайли ҳам улар эл дардига ҳамдард бўлишга, уларнинг оғирини енгил қилишга интилмоқдалар.

Жойларда ташкил этилган постлар вазиятни зийраклик билан кузатиб турибдилар. Ана шундай постлардан бири Паркент шаҳар Зиндон маҳалласидаги Энергетик кўчасида жойлашган. Пост аъзолари ер кўчиш хавфи туфайли бу ердан кўчирилган 19 хонадоннинг уйлари, олиб кетолмаган мол-ҳоллари ва буюмларини зийраклик билан қўриқламоқдалар, эл раҳмати ва дуосини олмоқдалар. Чанги, Заркент қишлоқлари ҳудудларида ва ДАН биноси олдида жойлашган қўшимча постларда ҳам назорат-қўриқлаш ишлари намунали йўлга қўйилган.

Ҳамма ҳам эл дуосини олишга ҳамиша муштоқ. Лекин бу дуони қачон, қаерда ва ким томондан олишда ҳам ўзига хос мантиқ бор. Паркент тумани ИИБ ходимлари Ш. Шоназаров, Х. Шерматов, А. Собиржонов, Э. Ражаббоев, Ж. Давлатов, Э. Ештоев, М. Умаров, В. Нуров ва И. Фозиловлар ана шундай қадри баланд дуо олаётган кишилардир. Улар юрт, элатни табиий офат ҳамласидан кўкрак кериб ҳимоя қилишаяпти, хайрли ва савобли ишга камарбаста туришибди.

— Улар ҳам мендек бир онанинг фарзанди, — дейди ўн бир фарзанднинг волидаи муҳтарамаси, нафақахўр Фарида ая Қулматова, — ўз хонадонининг севинчи, умид чироғи. Бугун шу шербаччалар тепамизда туну-кун парвона, уларда на тиним бор, на ҳаловат. Гулдек яшнаб турган умрларга бевақт завол етмасин, дейди улар. Иншоолло, яхши ниятлари ўзларига йўлдош бўлсин! Сира-сира камлик кўришмасин!

Милиция ходимлари билан суҳбатлашар эканмиз, барчалари онахондан чексиз миннатдор бўлиб гапиришди. Ҳозирги иқтисодий қийин шароитга қарамасдан постда турган йигитларни - осойишталик посбонларини ўз фарзандидек кўриб, уларга ғамхўрлик кўрсатаётгани учун онахонга миннатдорчилик билдириб хайрлашдик.

Биз учун инсон ҳаёти ҳамма нарсадан азиздир. Уни асраш, авайлаш ва қадрига етиш ғоятда улуғ инсоний фазилат саналади. Шу боис бу йўлда олиб борилаётган кураш ҳам муқаддас ва мўътабардир.

**М. МИРСОВУРОВ,**
**Вилоят ИИБ бўлими бошлиғи, милиция подполковниги.**
**Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.**
**"Тошкент ҳақиқати"нинг махсус мухбири.**

